

1. Истеъмол кредити қанча миқдорда, қайси мақсадлар учун ва неча фоиздан берилади?

Истеъмол кредити мақсади ва тўлов усули. (Банкнинг 2015 йил 27 февралдаги 13/1-сонли тартибига асосан)	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотнинг банкдаги ҳисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Кредит миқдори:	Энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача
Фоиз ставкаси:	Мижоз ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан мавжуд ресурслар қийматидан келиб чиқиб, йиллик 24 фоиздан кам бўлмаган миқдорда. ёш оилаларга ажратиладиган кредитларга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида

2. Истеъмол кредити ажратиш миқдори қанча ва кредит олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар:	а)паспорт нусхаси; б)яшаш жойидан (маҳалладан) тасдиқланган маълумотнома; в)иш жойидан (ходимлар бўлими) ишлаши тўғрисида маълумотнома; г)иш жойидан (ҳисоб-китоб бўлими) охириги 12 ойликгача даромадлари тўғрисида маълумотнома; д)мижознинг солиқ органларидан қарзлари (ёки солиқ мажбуриятлари) йўқлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотнома; е)истемол товар (хизмат) сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномаси (товарларни мувофиқлик сертификати билан биргаликда); ё)агар қарз олувчи ёш оила тоифасига кирса, ФДХЁ (фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи) томонидан биринчи марта расмий никоҳ қайд этилганлиги тўғрисида берилган маълумотномани илова қилади.
--	--

3. Истеъмол кредити олиш учун қандай таъминот талаб қилинади?

Кредит таъминоти:	-мол-мулк гарови; -банк ёки суғурта компаниясининг кафолати; -учинчи шахс кафиллиги; Энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача бўлган кредитларга жисмоний шахс кафиллиги билан ҳам берилади.
-------------------	---

4. Кимлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун микрокредитлар олиши мумкин, неча фоиздан ва қанча миқдорда?

Микрокредитлар (АВда 2012 йил 20 мартда 2344-сон билан рўйхатга олинган низомга асосан)	Шаҳарча, қишлоқ, овулларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун берилган участкаларнинг бир қисми - томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оилавий хўжаликларга берилиши мумкин.
Кредит миқдори	Амалдаги энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорида,
Фоиз ставкаси:	Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада

5. Шахсий ёрдамчи хўжаликларга қандай йўналишларга ва қанча муддатларга ажратилади?

Кредит турлари ва муддатлари:	-мевали дарахтлар ва узум кўчатлари сотиб олиш, балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун бир йиллик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддатга
	-чорвачилик, йилқичилик, туячилик, асаларичиликни ривожлантириш, қуён боқиш ва етиштириш учун олти ойлик имтиёзли давр билан 3 йилгача бўлган муддатга
	-уруғликлар, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш ҳамда иссиқхоналар ташкил этиш учун олти ойлик имтиёзли давр билан 2 йилгача бўлган муддатга
	лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхоналар ташкил этиш, унаби ва грек ёнғоғи етиштириш учун уч йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга

6. Таълим кредити кимларга ажратилади?

Талим кредити ажратиладиган тоифа <i>ВМнинг 2001 йил 26 июлдаги 318-қарорига асосан. (Банкнинг 2015 йил 27 февралдаги 13/1-сонли тартибига асосан)</i>	- олий ўқув юртларига 1 ва 2- мутахассисликларга ўқишга кирган ёки ўқиётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган (резидент) талабаларга ; - олий ўқув юртларининг 1 ва 2- мутахассисликларига ўқишга кирган ёки ўқиётган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ота-оналари ёки васийларига .
---	---

7. Таълим кредитини қандай муддатларга ва қандай фоизда олиш мумкин?

Кредит муддатлари:	а) олий ўқув юртлари кундузги бўлимларида бакалавр унвонини олишга ўқиётганларга 10 йилгача (етти йиллик олий ўқув юртлари учун 10 йилгача; тўрт йиллик олий ўқув юртларининг 1-курси учун 7 йилгача, 2-курси учун 6 йилгача, 3-курси учун 5 йилгача, 4-курси учун 4 йилгача); б) магистрлик унвонини олишга ўқиётганларга 5 йилгача муддатга таълим кредити берилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.
Фоиз ставкаси:	Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада.

8. Таълим кредити олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Қар оловчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар:	- ариза; - Паспорт нусхаси, ИНН-нусхаси; - талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш тўғрисидаги белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома; - қарз оловчи яшаш жойидаги идора (махалла кўмитаси, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати)дан берилган маълумотнома; - кредит қайтарилишининг таъминоти қўйилаётган таъминот шакли тўғрисидаги ҳужжат; - имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар, болаликдан 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, кам таъминланган оилалар тоифасига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлар.
---	--

9. Ипотека кредити олмоқчиман, ипотека кредит ажратиш тартиби қандай?

Кимларга берилади (Банкнинг 2015 йил 27 февралдаги 13/1-сонли тартибига асосан)	Ипотека кредити вояга етган, муомала лаёқати, кредитдан фойдаланиш даврида барқарор манбага ҳамда кредитнинг асосий қарзи ва ҳисобланган фоизларни тўлаш учун етарли даромадга эга бўлган, доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.
Кредит мақсади	а)якка тартибда уй-жой қуриш; б)якка тартибда қурилган уйларни қайта қуриш (реконструкция) учун; в)кўп квартирали яшаш уйларидаги квартираларни ҳамда якка тартибда қурилган уйларни сотиб олиш учун.
Кредит миқдори:	а)қайта қуриладиган (реконструкция) уй-жой ёки сотиб олинadиган квартира учун – 2500 энг кам ойлик иш ҳақи миқдоригача; б)якка тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун 3000 энг кам ойлик иш ҳақи миқдоригача. Шу билан бирга тақдим этиладиган кредитнинг миқдори қуриладиган, сотиб олинadиган ҳамда қайта қуриладиган (реконструкция) уй-жой ёки сотиб олинadиган квартира қийматининг 75 фоиздан ошмаслиги лозим.

10. Ипотека кредити олишда ёш оилаларга қандай имтиёзлар мавжуд?

Кредит муддатлари:	ёш оилаларга ипотека кредитлари 3 йиллик имтиёзли давр билан 15 йил муддатга ажратилади.
Фоиз ставкаси:	ёш оилаларга кредит шартномаси имзоланган кунда амал қилган Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида.

11. Ипотека кредити олиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?

Қарз олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар:	а)кредит беришни сўраб, кредит суммаси кўрсатилган ариза, ариза берувчининг паспорт нусхаси; б)ўзи ва оила аъзоларининг иш жойидан охириги 12 ойгача даромадлари тўғрисида маълумотнома ёки яшаб турган манзили бўйича охириги 12 ойгача учун шахсий даромадлари кўрсатилган, солиқ органи томонидан тасдиқланган декларациялар нусхалари; в)сотиб олинаётган уй-жой эгасининг уй-жойни ушбу шахсга сотиши ҳақидаги уй-жойга эгалик ордерининг нотариал жиҳатдан тасдиқланган нусхаси, уй-жой қийматининг ўзаро келишилган баҳоси кўрсатилган ёзма мажбуриятномаси; г)сотиб олинаётган уй-жой қийматининг 25 фоизи миқдорида дастлабки бадал банкдаги омонатга жойлаштирилганлиги ҳақидаги омонат дафтарча нусхаси; д)Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонунида кредитни қайтарилишини кафолатловчи ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган таъминот. е)ариза берувчининг яшаш жойидан унинг оиласини таркиби тўғрисида берилган маълумотнома;
--	--